

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 98 (3580).

Жума, 19 май 1967 йил

Баҳоси 2 тийин.

БЕШ йИЛЛИК ВАХТАСИДА

МУАХСОСА УЧУН

«ОҚҚУРҒОН. (Ўз мухбиримиздан). Свєрдлов номли колхоз аъзолари ўз ишларига меҳр-муҳаббат қўйганлар. Бу кўп тармоқли хўжаликда иш авжидида. Даладарда ҳам, хонадонларда ҳам одамларнинг қўли-қўлиги тегмайди. Бир томонда гўза парварини, иккинчи томонда қаноп-сўт, гўшт, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қизғин кураш давом этмоқда.

Пахтакорлар ишн бу йил кучли ётигарчиликлар туфайли

енгил бўлмади. Хийлагина ерларда мурғак гўзаларни қатқалоқ босди. Бироқ колхозчилар астойдил курашдилар.

Тургун Номозов бошлиқ бригадда аъзолари 214 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Механизаторлар дала ишларини намунали олиб бормоқдалар.

Узунасига ва қўдалангига култивация қилинган япағандан чиққан, ўтдан тозаланган гўзалар яшил квадратлар ҳосил қилиб яшил турибди. Муҳаммад Мақамов бошлиқ бригада, Эрғаш Ахиров, Махан Исмоилов, Саттор Муваффақов, Ёқуб Шукорон сингари меҳнаткорларда бошлиқ аъзолар ҳам ҳозир гўза парваринида пешқадамлик қилмоқдалар. Умуман, колхозда гўзани узунасига, қўдалангига бир марта култивация қилиб чиқилди. Талайгина ерлардаги гўзалар култивация билан бир вақтда озилантирилди. Барча бригада ва звеноларда қўчанининг тула ва текис бўлиши учун курашилмоқда. Айни кунлар даладарда гўза чопини қизғин давом этмоқда.

— Утган йили. — деди кол-

хоз раиси Абдулла Юсупов, — колхозимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш муваффақиятли яқунланган эди. Юбилей йилида колхозчиларимиз яна катта ғиммат билан меҳнат қилмоқдалар. Масалан, биз шонли юбилей йилида жонажон Ватинини 1450 ўринга 1546 тонна «оқ олтин», 16500 тонна «кўк олтин», 263 тонна шол, 385 тонна сўт, 65 тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мақбурийатини олганми.

Дарҳақиқат, колхозда иш қизғин. Зафарли меҳнат қилган колхоз чорвадорлари дастлабки талабани қўлга киритдилар. Чорвадорлар давлатга 65 тонна гўшт, 17 минг донна тухум сотиб йиллик пилани шараф билан адо этдилар.

Айни кунларда айниқса колхоз пиллакорларининг иш авжидида. 167 қути пилла қурти боқилган пиллакорлар ўз ишларини муваффақиятли яқунлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Свєрдлов номли колхоз аъзолари юбилей йилида ўз зиммаларига олган мажбурийатларини шараф билан бажарадилар.

ИККИНЧИ ПАРВАРИН БОШЛАНДИ

1 «Оққўрғон» совхозининг даладариди иш қизғин. Гўзани парварини қилиш қизғин-қизғин кучайиб бормоқда. Эдим Сеннов бошлиқ звено аъзолари кучайиб муздатида оқдин сифатли таомилан адилар Ҳозир звенода қатор ораларига иккинчи ишлов берилмоқда.

Бошқа қўшпа звеноларда ҳам қатор ораларига иккинчи ишлов бериш қўйиб кетди.

А. АБДУРАИМОВ.

ИЛҒОР ЗВЕНО

«Ленинбод» колхозининг 3-тоқ 3. Раисов бошлиқ звеноси илғорлар сифидан ўрин олган. Звено аъзолари ҳар йили ҳам пахтадан барилди. Хирмоқ кўтармоқда. Бу йили режа ҳам чақки эмас. Ҳар гектар ердан ўтган йилга нисбатан ҳосилдорлигини беш центнердан ошириш асосий вазифа қилиб қўйилган. Звено аъзолари 32 центнердан пахта топириб, шонли юбилейимизни муносиб ютуқлар билан қутиб оламиз, дейишмоқда. Сўзига амал қилаётган пахтакорлар гўза парваринида ҳам пешқадамлик қилмоқда. Улар хўжаликда биринчи бўлиб қатор ораларига дастлабки ишлов беришни таомиллашди.

И. ХАТАМОВ.

Оққўрғон.

СУТ СОТИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам фидокорона меҳнат қилган Оржоникидзе райониди «Йилги ту» колхозининг азамат чорвадорлари давлатга сўт топшириш йиллик пилани муздатида иккинчи ой илғори ортиги билан бажардилар. Давлатга 102 ўринга 110 тонна сержаймоқ сўт етказиб берилди.

Сўт бўлогини қўлатиришда ўрток А. Бекжонов бошлиқ сўтторвар фермасининг ахил коллектив намунали ишлармоқда.

И. РУСТАМОВ.

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

1 миллион 138 мингта — Тошкентдаги 2-пояфзал фабрикаси коллективи юбилей йилида ана шунча миқдорда оёқ кийимлари ишлаб чиқариш ишгайи билан меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари қўлпаб материаллар ва хомашелар тежаб қолиш ва бунинг эвазига қўшмача 20 минг жуфт пой-афзал тайёрлашга аҳд қилинган.

Ахил ва иноқ коллектив зиммасига олган бу мажбурийатларини йилнинг тўрт ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш пилани аниқ ортиги билан адо этилди. Қўшмача бир неча минг жуфт пой-афзал тайёрланди. Давлатнинг 16,5 минг сўм маблаг тежаб қолди. Айни вақтда ишлаб чиқаришнинг бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам бирмунча яхшиланди. Пояфзалнинг янги мо-

делларини тайёрлаш борасида ана ишлаб қилинди. Йил давомида ҳаммаси бўлиб 74 хил янги моделдаги оёқ кийимлари ишлаб чиқара бошланганди. Ана шунинг эвазига 50 минг сўм маблаг иқтисод қилинган.

Корхона коллективи эришаётган ютуққа жуда кўп пой-афзалчилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Мовилда Назарова, Шукрат Шарипов, Муҳаррам Зокирова, Пулат Шонематов, Алла Гофуровалар сингари комсомол ешлар шулар жумласидандир. Улар смена нормаларини 1,5 бараварга етказиб бажариб, Улуг Октябрьнинг ярим асрлик тўйи шарафига бошланган мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

О. ТУРСУНОВ,
А. АБДУРАИМОВ.

ДЕХҚОНЛАР ҒАЙРАТИ

Калинин райониди Навоий номли колхоз меҳнаткашлари кўпроқ мева, सबавот ва полиз экинлари етиштириш йилида ғайрат қилишяпти.

Бригада ва звеноларда мўл ҳосил етиштириш юзасидан бошланган мусобақа яхши натижалар бермоқда. Колхозчилар меҳнат унвондорлигини ошираётганлар. Бу йилда ўрток Абдулқадир Абдулқадиров бошлиқ бригада аъзоларининг бошқаларга ўрнатилган бўлибди. Бригада аъзолари 40 гектар ерга мевали дарахлар ўтказишган. Шу билан бригада 6 гектарли тоқорини меҳр билан парварши қилишяпти. Колхозчилар 22 гектар ерининг ҳар гектаридан 19 тоннадан सबавот ҳосили олишга қатъий бел боғланганлар. Картошка ва бошқа экинлардан ҳам кўп ҳосил етиштириш йилида астойдил меҳнат қилишяпти.

Резеов экинлар икки марта ўтқордан чиқариб қўйилди. Айниқса бу ишларда М. Тўрақўриев, М. Мирзаабдуллаев, З. Қўчқоров каби миришкорлар ўрнат қўшмоқдалар.

Ж. РАҲМАТОВ.

ТЕЖАМКОРЛАР

Бу корхонада ҳар йили турли марказдаги юзлаб автомашиналар ремонт қилинади, қайтадан тикланади. Ремонтичлар ўз эмишларига юклатилган ана шу вазифани ситқидилган бажармоқдалар. Давлат пилларини муттасил ортиги билан адо этишяпти. Ишлаб чиқаришнинг асосий техника-иқтисодий кўрсаткичларини тўхтовсиз оширмоқдалар.

Коллектив шу йилнинг биринчи кварталда жуда самарали ишлади. Тошириқ 114,8 процент қилиб адо этилди. Апрель ойи натижалари янада юксалди. Ремонтичлар ўзларининг қудалик фаолиятларида тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Материаллар ва хом ашёларнинг ортиқча сарфлашнинг, фойдасиз исроф бўлишининг олдини олимоқдалар. Ҳар бир деталъ ҳисобиди. Ишда тала-партишликка йўл қўйганлар жазолашяпти. Бундай тартиб ремонт ишлари танварини қамайтириш, сифа-

тини яхшилаш имконини бермоқда.

Ремонтичлар ҳар бир сўмлик ремонт ишларини бажаришга 89 тийин сарфланмоқдалар. Бу пиланда белгиланганига қараганда 4 тийин камдир. Қўриқини-дан жуда кичик бўлган ана шу тийинлар йилги сўмларини таймил қилишга ёрдам берди. Шу туфайли ҳам биринчи кварталда 48 минг сўмлик маблаг тежалди. Бу тошириқидан 9 минг сўм қулдир.

Корхона рационализаторлари ва иштирокчилари тежамкорлик учун курашда актив иштирок этмоқдалар. Ўтган ойлар мобайнида бир канча новаторлик таклифлари тушди. Уларнинг айримларини амалга ошириш билан шу қўшмача бир неча минг сўм тежалди. Тийиб-тийимаслардан Кузнецов, Рубцов ва Романчук ўртоклар тағилли билан қўрилган тадбирларига 778 сўм иқтисодий самара берди.

Ф. ЗАИНУДИНОВ.
10-автомобиль заводи.

«ДЎСТЛИГИМИЗ БЕТОНДЕК МУСТАҲКАМ»

ОЛМАЛИҚ, 18 май. (ТАСС махсус мухбири).

Ўзбекистонда ўтказилётган Венгрия маданияти декадаси катта-кичикларга ўз юртига олиб келадиган ёдгорлик буюмлари коллекциясига яна бир қимматли туҳфа — ўзбек мисли пластикаси ҳам қўшилди. Бу туҳфани республика раиғли металлургиясининг маркази бўлган Олмалиқ шаҳрининг ишчи ва мутахассислари меҳмонларга армуғон етишди.

Венгрия вакиллари ана шу шаҳар меҳнаткашлари ҳузурда бутун бир кун меҳмон бўлидилар. Улар шаҳар меҳнаткашларининг ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам, уларнинг кўп қиррали маданияти ҳаёти билан ҳам қизиқиб таъминдилар.

В. И. Ленин номидаги Олтинтопда қўриқчилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективини декада катнашчиларини ҳушудлик билан қутиб олди. Металлургия аъло меҳмонларга кучли машина-механизмлар билан ру-

да қазиб чиқарилаётган карьерини кўрсатдилар. Улар ўз ишлари, Олмалиқ шаҳрининг тез юксалиб бораётганини ҳақидаги ҳикояларни мис саралаш фабрикасида давом эттирдилар.

Венгрия Совет дўстлиги жамаиети президиуми раисининг ўринбосари, академик Ласло Кардош бундай деди:

— Ўзбек металлургия катта муваффақиятларга эришганлар. Улар билан бирга республиканинг бутун ҳалиқини қўллаш музими. Олмалиқда қўрилганларимиз Ўзбекистон экономикаси ва маданиятига тоғат тез ўсиб бораётганинигини ёрдам бериши билан бўлди.

Инженер М. М. Махмудов, комбинат партия комитетининг секретари Д. И. Токерев ва металлургиянинг бошқа вакиллари меҳмонларни таъминлаб ютди сўзладилар.

Венгрия делегациясининг бошлиғи — Венгрия социалистик ишчи партияси Марксий контроль комиссиясининг раиси, Венгрия Халқ Республикаси давлат маж-

лиснинг депутати Янош Брутто металлургияга меҳнатда. Улуг Октябрьнинг 50 йиллигини муносиб қутиб олиш учун бошланган мусобақада лигидан-лиги муваффақиятларга эришувларини тилади. У, Диеддер шаҳридаги В. И. Ленин номли металлургия комбинати ишчи ва хизматчиларининг совтаси — ана шу корхона эмблемасини тўпланганларнинг давомли қараскари остида ўзбек металлургияга тошириди.

Кеңкурун Ўзбекистонда ўтказилётган Венгрия маданияти декадасига бағишлаб Олмалиқ жамоатчилигининг тантанали кечаси бўлди. Кеча катнашчилари ҳозирчи байрам венгери ва совет халқларини тағин ҳам қўпроқ яқинлаштиришга ёрдам беради деб ишонч билдирдилар.

Олмалиқликларини венгери артистлари иқтиёда ҳурсанд қилдилар. Металлургия маданияти саройининг саҳнасида венгери қўшиқлари

барала янгради ва рақслари авжга чиқди. Шунинг айтиш кераки, колхозчи меҳмонлар ҳам, меҳнаткорлар ҳам ҳурсанд эди. Министрлар томошабинлар венгери санъатари арбобларига бўлган ўз муҳаббатларини қизғин қараскалар билан ифодадилар. Бунданешт радиосининг солисти Каталин Мадарас эса, ўзбек дўстларининг ёрдами билан Олмалиқда «Наманганининг олмаси» қўшиғини ва серкўеи Ўзбекистоннинг бошқа баъзи ашуаларини ўрганиб олди. Томошабинларнинг фикрича, у энди бу қўшиқларни ўз репертуарига қўша ҳам бўлади.

Шундай қилиб, декада Ўзбекистон бўйлаб қадам ташлади. Декада катнашчилари Мирзатўда, Самарқанд ва Навоий шаҳарларида, Фарғона водисининг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, яна қўшмача учрашувларининг шохиди бўлиб қўшилди.

ҲАЁТ НАФАСИ

Хўжаликни юртишнинг янги усули, иқтисодий ислохотнинг самаралари ҳақида гап бораганда фирма коллективи ҳурсанд бўлиб сўзлашади.

— Эсимизда, — дейди фирма партия ташкилотининг секретари Абдуқаюм Мағдиев, — КПСС Марказий Комитети септир Пленуми қарорлари муносабати билан бу масала муҳоама қилинганда анчагина ҳажонланган эдик. Ўшанда коммунистлар сўзга чиқиб, бир қатор қимматли тақлифларни, айтиб, резервлардан фойдаланиш йўллариини кўрсатиб ҳам беришган эдик.

Ишчилар ва хизматчиларнинг ишгайратга бағли. Улар ишлашдаги ва иқтисодий ислохот соҳасида янги усулларни жорий қилиш йўлида ғайрат кўрсатдилар.

Энг асосий диққат-эътибор меҳнат унвондорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бунинг учун эса ҳар бир имкониятдан ўз ўрнида фойдаланишга қаратилди.

Партокм секретарининг хонасидаимиз. Девоорларга ҳар хил жадваллар осиб қўйилди: «Баланс фойдаси ва уни тақсимлаш», «Рағбатлантириш фондиди ташкил этилган маблагларнинг ҳисоботи», «Хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари».

Партокм секретари бу жадвалларга тикилиб қолганлигини фахрлади, шекилли тушунтирди.

— Тўғри, — деди у, — илгари бундай жадвалларни фақат пилан бўлимида қўриш мумкин эди. Эндиликда эса бу жадваллар партия ҳодимларига ҳам ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Ахир эконимика, корхонадан ахволини беш қўлдек билмасдан туриб коммунистларга бошчилик қилиб бўлмайди-да.

Ҳақ гап. Эндиликда партия бюроси иш услуби тақомиллашган. Коммунистлар ишлаб чиқаришнинг экономикаси масалалари билан тўбдан шугулланиб, бу соҳага таъсир ўтказиб бошладилар. Абдуқаюм ана ҳикоя қилиб беради:

— Фирмада, — дейди у, — ишлаб чиқариш командирларининг иқтисодий ўқувини ташкил этганмиз. Бу курсда фирманиннинг тақрибкор, яхши тадбирларига эга бўлган раҳбарлари

ҳамда министрлигимиз ҳодимлари машғулот ўтказадилар. Улуқисиз равишда ўтказиб турилган иқтисодий кенгашида эса корхонаимиздаги ҳар бир участканинг у ёки бу даврдати хўжалик фаолияти натижалари муҳоама қилинади.

Бу тадбирлар ишлаб чиқаришнинг заиф томонларини аниқлаб олишга ёрдам берди. Партия бюросининг тавсиясига биноан Эгамбердиев, Ўлдошев сингари коммунист — мутахассис ўртоклар тўқимачилик ишлаб чиқаришдаги қўлоқ участка раҳбарлиқ қила бошладилар. Қардаслар жой-жойига қўйилиш билан бирга ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самаралорлигини ошириш масалалари билан ҳам астойдил шугулланишга киришди. Ҳамма участкаларда хўжалик ҳисоби жорий қилинди.

Партия группаси секретари, фирманиннг старший экономисти

Иқтисодий ислохот натижасида ҳар бир ишчининг ўз меҳнатига нисбатан маъсулияти янада ортиди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас: янги усул аниқлини. пухта ҳисоб-китобни севади. Шунинг учун ҳам ишчилар, биз янги ҳисоб ишлар эканмиз, тийинларни ҳисоблашни ҳам ўргандик, деб айтмоқдалар.

Бир мисол келтирмай. КПСС аъзоси Нина Степановна Вагрова фирмада ўн беш йилдан ортиқ мейлаш-йилува чегига бошчилик қилиб келяпти. Тўғриси айтадана илгарилари, у, бухгалтерия ҳисоботларидаги рақамларнинг мағзини қақши учун ҳозирдагидек чинакамга бош қотирмаган. Ҳа у иш участкасининг яхши томонларини нима-ю, ёмон томонларини янада, рақамлар носитасида бу саволга ҳозирдагидек чуқур жавоб излаб қўрмаган десан, янглишмаймиз. Бунга нима маъбур қилди уни? Янги усул, хўжа-

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Улар тасодиқий эмас, бунда иқтисодий стимулнинг роли катта. Корхонада ҳар бир иш, ҳар бир нарсана шунга мослаб олиб борилади. Масалан, биз ҳар ойда мукофот бериб тураимиз. Илгари бундай қилинмасди. Бунга қандай қилиб эришяпмиз.

Цех пиланини бажарганлиги ва ошириб бажарганлиги учун мукофот олади. Ана шу мукофот ўша цех бажарганлиги учун да ҳар кимнинг меҳнати, хизмати ҳисобига яраша тақсимланади. Бундан ташқари энг кўзга қўриган ишлаб чиқариш илгорида қўшмача мукофот ҳам олади.

Яна бир нарсани ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Уч ой давомида пиланини ортиги билан бажарган ҳар бир ишчи ўз касби бўйича энг яхши ишлаб чиқариш илгори, деган ном олади, бир йўла мукофотланади ҳам. У уч ойгача яна мусобақада биринчилиқни қўлдан бермаса, унга алоҳида мукофот берилади.

Фирмада ишчи кадрларининг кадр-қиммати, обрўсини қўтариш тўғрисида ҳам гапхўрлик қилинади. Ана шу мақсадда кўп йил ишлаганлиги учун мукофот тўлаш жорий қилинди. Ҳар бир хўжалик йилига яқун ясалганда ишчиларга ана шундай мукофотлар бериб турилади. Кўп йил ишлаганлиги учун 1966 йил ҳисобидан мукофот бериб бўлинди. Эндиликда янги йил учун тўланади. Ишчилар ойллик маошларининг 25 дан тоғирт 80 процентигача миқдордаги пул ҳисобиди мукофот олади. Бу тадбир ҳам ўзининг иқбодий натижасини бермоқда. Кадрларнинг қўшмача қилинади чек қўйилмоқда.

Кўрмасинки, дейди ўзининг охирида, Абдуқаюм ана биз катта ва фойдал ишларни амалга ошириш. Бунда асосан коммунистлар етакчилиги қилдилар. Айниқса, Тўхтаева, Вагрова, Котенко, Таршолова сингари коммунистлар ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

«Учқун» фирмаси коллектив бу йилги хўжалик йилини янада улкан муваффақиятларни қўлга киритиш билан яқунлаш тадбирларини қўришяпти.

В. СКОРОДУМОВ.

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТ АМАЛДА

Надежда Евгеньевна Таршолова ҳам Абдуқаюм ақанинг фикрларини тўлаиб гапирди.

— Янги усулга ўтишдан олдин, — дейди у, — биз катта таъбирларни кўрдик. Ишчи хўжалик фаолиятини анализ қилишдан бошладик. Ҳамма нарсани ойдинлашга, ҳар бир цех, ҳар бир участка учун ишлаб чиқаришнинг қўлоқ кетган томонларини охиригача етказиш юзасидан таъбирларни қўришди. Бу таъбирларнинг баъзиларини, ҳар бир сўзга, бир меъёра маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишнинг таъмин этиди. Ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Молия пилани тузиб чиқилди, унда фирманиннг ҳаракат кўрсаткичлари ва фойдаси акс эттирилди.

Бундан ташқари инженер-техник ҳодимларини, иш ҳақи фондидан эса ишчиларни мукофотлаш ҳақидаги ниҳом ҳам ишлаб чиқилди. Ана шу сингари тадбирларнинг амалга оширилиши фирмада ишлаб чиқаришнинг кескин юксалишини ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш, сифатини яхшилашга ёрдам берди.

лик ҳисоби, кўпчилиқнинг мағзи шунини талаб этди. Илгари Нина Степановна жиҳозларнинг ремонт сифати билан кам қўриқарди, бунинг учун мен эмас, бошқалар жавоб бериш керак, деб ўйларди. Ҳозир эса у жиҳозлар сифатли ремонт қилиниши, деб жон қўйдиради. Сабоби, ремонт қанчалик сифатли бўлса, чек шунчалик бир меъёра ишлади, маҳсулотнинг сифати ҳам яхши бўлади.

Ҳозир коммунист Вагрова раҳбарлиқ қилаётган цех фирмада пешқадамлик қилапти. Бир сўз билан айтганда фирма коммунистларни янглиш қарачиси, ташаббускор ишчилар сифатида корхона кўрсаткичларининг қўтарилиб бориши, маҳсулот сифатининг яхшиланishiга ҳисса қўшмоқдалар.

— Утган йил фирма пиланда кўрсатилган 1 миллион 617 минг сўмлик кўп товарни реализация қилди, — дейди Абдуқаюм ана, — бунда шунинг ҳам ҳисобга олиш кераки, биз ишлаб чиқарётган қўшмача буюмларнинг улгурчи баҳолари 1965 йилдагига қараганда анча арзонлаштирилди. Даромад ҳам анча ўсди.



Областимизнинг колхоз ва совхозларида давлат пилла тошириш қизғин кетаяпти. Пиллакорлар баракати хирмон қўришяпти. Суратда: Оққўрғон райониди Димитров номли колхознинг аъзоси Насиба Бекаева, ўҳар қўтидан юз килограмдан пилла тошириш мажбурийатини олди.

Н. Тўраев фотоси.

САНЪАТКОРЛАР БАЙРАМИ

Бу бадий коллектив бунёдга келганда 30 йил тўлди. Коллектив аъзолари 100 минг концерт қўйиб беришган. Меҳнат қўйил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармонияси ва Ўзбек Давлат эстрада бirlашган дирекциясининг директори, хизмат қўриган маданият ҳодими А. Р. Назаров бу катта коллективнинг босиб ўтган 30 йиллик йўли тўғрисида гапирди беда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонию мувофиқ, филармония ва эстрада артистларининг катта группасига Ўзбекистон халқ артисти ва хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби

Бу воқеага бағишланган кечани Ўзбекистон ССР Маданият министри В. И. Зоҳидов оиди. Ўзбек Давлат филармонияси ва Ўзбек Давлат эстрада бirlашган дирекциясининг директори, хизмат қўриган маданият ҳодими А. Р. Назаров бу катта коллективнинг босиб ўтган 30 йиллик йўли тўғрисида гапирди беда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонию мувофиқ, филармония ва эстрада артистларининг катта группасига Ўзбекистон халқ артисти ва хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби



Ҳалиқини районидagi Куйбисhev номли колхоз аъзолари юбилей вахтасида туриб меҳнат қилмоқдалар. Улар Совет ҳошимияти-нинг 50 йиллик туғилган юбилейи Батанимизга 620 тонна сазавот етказиб бериш мажбуриятини олишган. Ҳозир даладаги айланган киши сазавоткорларнинг мажбуриятга янаша иш қилмаётганлигини кўриб қувонади. Ҳамма бригада ва зенонларда баракали меҳнат қилинмоқда. Сазавот, полдз экинларини иккинчи марта парвариш қилиш тугалланди деб қолди. Ҳозир колхозчилар эртаги картошка-га сўнги марта сув қуйишмоқда. Бу эса ҳар тўп кўчатда кўпроқ ҳосил туپлаш имкониятини бериши. Суратларда (юқорида) сувчилар К. Юнусов ва Р. Убайдуллаев ўртоқлар картошкани суғормоқдалар. (Пастда) Х. Деҳқонбоев ва А. Розиев ўртоқлар колхоз қулушайзо-рида етилган ҳосилни теришмоқда.



ҚАТҚАЛОҚҚА ҚАРШИ КУРАШ

Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинскйй путь» колхоз аъзолари юбилей йилида 541 гектар майдонга чигит экишлар. Колхозчилар барча ишчи ва техника кучидан моҳирлик билан фойдаланиб, ҳар гектар ердан пландаги 26 ўрнига 30 центнердан ҳирмон кўтаришга сўз беришган.

Даладаги ишларни айланб кўришга, дейди колхоз раиси Т. Эм, — барча майдонларда яшил квадратлар пайдо бўлиб қолди. Колхозчиларимиз қатқалоққа қарши курашиб, ҳамма ерда тўла гектарлар ҳосил қилишга ҳаракат қилишди. Ҳа-лаб деҳқонлар қатор ораларида ишлаб, кўчатларнинг тагини юм-шатмоқдалар. Яна қилишни тезда тамомлаш учун кураш-тилар.

Тракторчи-завно бошқилари «пўлат от»лар рулига ўтириб, гўзани узунасига ва қўндалан-гига парвариш қилмоқдалар. Дала ишларини тезлаштиришда мактаб ўқувчиларининг ва ён-ат-рофдаги завод ишчиларининг хизмати ҳам катта. Улар дам олиш кунлари далага чиқиб, гў-заларни яна қилишда пахта-корларга қўндалан ердан бер-моқдалар.

Хўжаликда ишнинг пухта таш-кил этилиши сабабли кўпгина бригадаларда гўзанинг дастлаб-ки парвариши тамомланди. Ме-ханизаторлар ой охиригача бар-ча майдонларда гўзанинг иккин-чи парваришини тамомлаш учун курашмоқдалар.

А. КИМ.

МИРИШКОРЛАР

БЕКОБОД. Беш йилликнинг биринчи йилида пахта ҳосил-дорлигини пландагига нисбатан 3 центнер оширишга муваффақ бўлган М. Тошбоев бошқил комплекс механизацияланган зенон миришкорлари бу йил гектар бошига кам деганда 35 центнердан «оқ олтин» кўта-ришга сўз беришди. Сўзи бил-ан иш бир бўлган бу деҳқон-лар Навоий номли колхозда гў-

за парваришини биринчилар қа-торида бошлаб юбордилар. Шу-нингдек, райондаги 1-«Даллар-зин» совхозининг ўртоқ Т. Ка-наков бошқил агроучасткиси пахтакорлари ҳам ҳозирги га-нимат кўнларининг ҳар бир де-қисидан унумли фойдаланмоқ-далар.

Қ. СИДИҚОВ,
Э. ҚИРҚОБОВ.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидagi «Ўзбекистон» колхозининг меҳнат кашлари қатқалоққа қарши кура-шиб, гўза парваришини кучайтирмоқдалар. Бу ердан кўпгина майдонларда гўзалар қатқалоқдан холи қилингани сабабли ҳам тез ривожланимоқда. Суратда: моҳир зенон бошлиги ўртоқ Анорбой Баратов гўзаларни культивациядан чиқармоқда.

Қ. Розиев фотолари. (ЎЗТАГ фотохроникаси).

ЯШИЛ КВАДРАТЛАР ЯШНАМОҚДА

Пахтакорлик ҳам нозик санъат. Ҳалиқимиз «оқ олтин» етиштирув-чиларни зарф-қосқорлар деб бекишга атайди. Ҳар бир насонинг ўзига хос нозик томонлари бўлган каби пахтакорлик касбининг ҳам жуда нозик томонлари борки, буни ми-ридан-сиригача билиб олган ми-ришкорлар ер қандай бўлишидан, табиий шaroитлар қандай келиши-дан қатъий назар, пахтадан йил сайин баракали ҳирмонлар кўта-риб, элу-юртимизнинг қизғин олин-шига сазовор бўлиб келмоқдалар. Пахтакорлик санъатини пухта ағал-лаб олган бўлди деҳқонлар Ўзбек-лиерида, жумладан пойтахт облас-тидада сой сапоқчи. Бугун фа-қат биттагина хўжалигининг уста пахтакорлари ҳақида гапириб ўт-моқчимиз.

Янгибўлада энг уста пахтакор-лардан бири — марҳум Назарали ота Нисоев ному билан юртилаёт-ган бир колхоз бор. Бу ўртамина хўжалик беш-олти йил муқаддам анча оқсаб қолган эди. Пахта ҳо-силдорлиги ўн тўрт—ўн беш цент-нердан қўтарилмади. Умумий да-ромад, механизация даражаси, моддий манфаатдорлик, таннарх, рентабеллик сингари муҳим кўр-саткичлар ҳам анча пасайиб кетган эди.

Қадрларнинг қўнимсизлиги, кол-хоз раисининг ҳар бир-икки йилда янгилашиб туриши ҳам хўжаликни юксалтиришга катта ҳалакат бе-рарди. Ниҳоят, бундан тўрт йил муқаддам колхозчилар ўзларига Фозил Мадалиевни раис қилиб та-йинлашди. Деҳқончилик илмининг яхши биладиган, хўжаликни бош-қаришда анча тажриба ортирган,

хизматига берилган юксак унвон эди.

Колхозчилар Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллигида ўз хўжалик-ларини тагин бир поғона юқорига кўтариш мақсадини дилларига жо қилишган. Шу ниятда бу йил ҳар гектар ердан пландаги 27 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» кўтаришга сўз беришган. Меҳани-заторлар эса қузада ўз машина-лари билан планда белгиланганига нисбатан камиди икки юз-уч юз тонна кўп пахта териб олишмоқчи. Хўжалик, бу йилги марралар анча юксак. Деҳқонлар ўз ишларини ана шунга мослаб ташкил этиш-лапти.

Маълумки, бу йил табиат анча ишқинчи қилипти. Уста-устига жала ёғиш, ҳавонинг паст кели-ши, ерни қатқалоқ босиш ва ҳока-ялар деҳқоннинг йўлига катта тўсқинлик қилапти. Лекин, бу колхоз деҳқонлари табиат инжи-ликлари олдида ўзларини оқин сез-ишмапти, албатта. Колхоз раиси Фозил ака бу ҳусусда шундай деди:

— Табиатнинг ҳамма вақт ҳам бир инжиқлик қилиши бор. Бир йил ҳаво қуруқ келса, бир йил серғин келсади, бир йил ҳарорат паст келса, бир йил ҳаддан ташка-ри кўтарилиб кетсади. Шундай экан, табиатдан яхшилик кўтиб ўтириш ярамайди. «Баҳор ундок келди, куз бундок келди» деб муваффақиятсизликнинг ҳаммаси-ни табиат ишқинчилиги устига ағд-риш лисофдан эмас. «Деҳқонлик» деб беш кўтариб юрган одамга бу ярамайди. Ҳамма гап қилиш ўз-ишнинг пухта олиб қилишида, деҳ-

қончиллидаги ишларни ҳар йилги табиий шaroитларга қараб оми-корлик билан ташкил этишда қол-ган.

Раиснинг бу гаплари жуда тў-ри. Колхозчилар шундай йўл би-лан табиий шaroитлар қандай кели-шидан қатъий назар, йил сайин пахта ҳосилдорлигини муттасил равишда ошириб келаяптилар. Бу йил ҳосилдорлигини тагин ҳам оши-ришмоқчи экан, ўз ишларини яна-я пухтароқ ташкил этишга жо-ндилари билан ҳаракат қилишпти.

Уста-уст ёққан ёмғирлардан кейин колхознинг ҳамма экин май-донларини қатқалоқ босди. Деҳ-қонларнинг олдида бу қатқалоқни тезда йўқотиш вазифаси турарди. Чўчи қатқалоқ туриб қолса, энди ердан унб чиққан муррак гўза иш-қорларнинг ўстирмай қўлади. Қо-зқорларнинг шонлининг равишда иш қўриб, мавжуд 25 та агрегатнинг ҳаммасига қолдурчалар ва роти-он юмшаткичлар ўрнатиб, ишга ту-шиб кетишди. Меҳанизаторларнинг гайрат-шижоати тўғйилиб уч кун ичида барча пахта майдонлари юм-шатилиб, қатқалоқ йўқотилди.

Ҳозиргача колхоз бўйича гўзага биринчи комплекс ишлов бериш асосан тугалланди. Узунасига ва қўндалангига ўтказилган дастлаб-ки культивация, озиқлантириш, янгалаш ишлари деҳқонларнинг омилидорлиги ва зўр гайрати тў-ғйилиб жуда сифатли бўлиб чиқди. Бу эса ўз навбатида гўзаларнинг гурилиб ўсишига имкон берапти. Ҳозир колхознинг ҳамма пайкал-ларида, ям-йилча квадратлар ҳосил бўлган. Гектарлар тўла, кўчат бут-

Пахтакорлар кўчатни тагин ҳам кўпайтириш. Ҳар гектар майдонда кам деганда 95—100 минг тўп кў-чат бўлишига эришиш учун айрим-ола ерларга қўшимча чигит экиш-ди.

Бу йилги шaroитда гўзани қан-дай парвариш қилиш кераклиги тўғрисида колхознинг агротехника совети аъзолари деҳқонларга қим-матли маслаҳатлар беришпти. Эндиликда колхознинг қўнчили-к ерларида иккинчи комплекс иш-ловга қизғин тарафда кўришмоқ-да. Биринчи суғориш билан бирга гўзага шaroит суви бериш мақса-дида пайкаллардаги махсус чўқур-ларга қўшлаб гўнг тўлдириб қўйи-лади. Деҳқонлар тўғрисида ҳамма вақт майин ва иссиқ саслаш учун ҳар бир ёмғирдан кейин ерни дар-ҳол культивация қилишга алоҳида эътибор беришпти. Шерали Пў-лашов, Абдуллаҳад Гўсов сингари уста меҳанизаторлар бошчили-к кил-лаётган зенонларнинг пахтакорла-ри дастлабки ишловни колхозда энг биринчи бўлиб тугаллаган эди-лар. Ҳозир улар иккинчи ишловни ҳам бошлаб юборишпти.

Юбилей йилида юксак марралар сари дадил олға иштилётган бу колхоз пахтакорлари табиат қўни-чиликлари энгил, ёш гўзаларни қўнчилидаги ривожлантиришга-ган экан, бундан бун ҳам улар-нинг ишида катта муваффақиятлар тилаймиз. «Шонли йилда сизлар-га зафар ёр бўлсин», деймиз!

Ш. ШОРАХМЕДОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

БАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ХАНОН. 17 май. (ТАСС). Жаңубий Вьетнам Озодлик ар-миясининг отрядлари америка-ли қотилларга сезиларли зар-балар бермоқдалар.

Вьетнам информация агентли-гининг Озодлик агентлиги маъ-лумотида асосланиб берган ха-барларга кўра, 3 апрелдан 3 майгача батанпарварлар Тхиа-тин виллойти жаңубий қисми-нинг ўзидигача душманининг

ЖАНГЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОН. 17 май. (ТАСС). Вьетнам халқ армиясининг зе-пит қисмлари 15 майда Лап-шон виллойти территорияси ус-тида Американинг бир самолё-тини уриб туширишди. ВНА агентлигининг хабар беришига кўра, Вьетнам Демократик Рес-публикаси территорияси устида уриб туширилган Америка са-молётларининг жами сопи 1898 тага етди.

Вьетнам халқ армиясининг Тханьха виллойти соҳилдаги тўп-лар Вьетнам Демократик Республикасининг территориял суварлига бостириб кирган бир гуруҳа Америка ҳарбий кемала-рини ўққа тутиб, бир кемани ишқалантиришди.

мингта яқин солдат ва офицери-ни, жумладан, 220 америкалик-ни сафдан чиқарди, 50 самолё-тини йўқ қилди, ва страте-гия жиҳатидан жуда муҳим бўл-ган биринчи тош йўлдаги учта кўприкни портлатди.

ДЕНГИЗДА ҚОЛДИРИЛДИ

ХАНОН. 17 май. (ТАСС). ВДР қирғоқ бўйи районлари-ни ўққа тутишда қатнашган Американинг «Канберра» крей-сери Вьетнам соҳил артилле-рияси утидан икки марта жид-дий ишқалланди. Иккинчи вил-лоитининг халқ лашкарлари то-монидан асир олинган «Канбер-ра» крейсерлик 20 яшар Аме-

ГИТЛЕРЧИЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕКШИРУВЧИ ЭКСПЕРТЛАРНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАРШАВА. 17 май. (ТАСС). Бутун Варшава яридаги По-пов деган жойда гитлерчилар-нинг жиноятларини текшириш иши билан шугулланувчи экс-пертларнинг иккинчи халқаро конференцияси олдиди. Конфе-ренция ишида Совет Иттифоқи,

рика матроси Дуглас Хэгдал сўроқда шу гапларни айтди. Апрель бошларида крейсер билан ВДР соҳил артиллерияси ўртасидаги ишқалдан отини-га пайтида Хэгдал кемадан денги-зга ағанаб тушиб, кема қўмон-донлиги уни денгизда қолдириб кетган эди.

Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия ва Чехословакия институция органларининг вакил-лари қатнашмоқда.

Совет экспертлари делегация-сига Г. Н. Александров бошчи-лик қилмоқда.



ГОНКОНГ. Гонконг заргар-лари ўзларининг дур ва марва-ридан, олтин ва қушудан ясалган буюмлари билан донг таратган. Шаҳардаги қатор-қатор кўчалар заргарлик магазин-лари билан тўлган. Заргарлар афтидан маҳаллий полиция му-аффақиясига унча ишонмай ўз-лари учун ҳусусий қоровуллар ёллайдилар. Йирик қабилри-милитик билан қуролланган қо-ровул кечро-қушуд қўндаланга буюмлар билан савдо қилувчи магазинни қўндалан турди.

Ю. Муравин фотоси,
(ТАСС фотохроникаси).

У ТАНГА НОТА

НЬО-ЙОРК. 17 май. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хузуридаги СССРнинг доимий ва-киллиги бош секретари У Танга йўллаган нотасида Германия Де-мократик Республикасини камси-тиш йўлида, шу жумладан Бирла-шган Миллатлар Ташкилотиде ҳам қилинган ҳар қандай уриниш-ларга қатъий қарши чиқади, деб уқтириб ўтди. Германия Демокра-тик Республикаси, дейилди нота-да, тинчлик сибатини ўтказиб кел-моқда, Бирлашган Миллатлар ташкилоти устаниниг принцип-ларига оғишмай амал қилмоқда, халқаро майдонда унинг обриси тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

СССР вакилининг нотасида

айтиладиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг секретариати Гер-мания Демократик Республикаси-га нисбатан бу ҳусусда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органла-рининг ҳеч бир қарори бўлмагани ҳолда, яъни ўзбошимчилик билан камситиш йўлини ўтказиб келмоқ-да СССР вакиллиги, дейилди сунгра нотада, бош секретари Германия Демократик Республи-касининг хужжатларини Бирлаш-ган Миллатлар Ташкилотиде на-иш этиш борасидаги гайри нормал практикани йўқотиш чораларини кўради, деб ўмид қилади. СССР вакиллиги бу нотани хавфсизлик кенгашининг расмий хужжати қи-либ тарқатишни илтимос қилди.

РЕАКЦИЯ БЕБОШЛИГИ

НЬО-ЙОРК. 17 май. (ТАСС). До-миникана республикасининг ҳуку-мати кўнчилири пойтахт яқинидаги шакарқамаш плантациялари ишчи-ларига қарши ўт очди, натижа-да 3 киши ўлдирилди ва 2 киши ярадор қилинди, деб хабар беради АП агентлигининг мухбири Санто-да Домингодан. Ишчиларнинг ушлаб қолинган иш ҳақи тўлансин деган ҳақни талаблари учун улардан ана шундай ўч олинди.

Бутун мамлакатда ҳукумат кў-нчилирининг ана шундай жаҳо-ҳаракатлари билан бир вақтда по-лициянинг иштирокида ўта ре-акцион гуруҳлар террорини кучай-тирмоқдалар. Американинг «Крисчен сайенс монитор» газетасининг ён-ишча, сўнги бир неча ҳафта ичи-да Доминикана республикасида террорчилар қўлида 20 киши ҳа-лок бўлди ва 40 киши ярадор қи-линди.

ОҚ УЙ ОЛДИДА УРУШГА ҚАРШИ МИТИНГ

ВАШИНГТОН. 17 май. ТАСС мухбири В. Васьенченко хабар бе-ради: кеча Оқ уй олдида бўлган урушга қарши митингнинг 1200 қатнашчиси «Биз Вьетнамде уруш-гани бормаймиз» деб бараблла қичқирдилар.

Норозилик митинги 3 соат да-вом қилди. Нотиклар Вьетнамда одамларни қўллаб қўйибатгани учун АҚШ ҳукумати қоралади-лар. «Америка Вьетнамга бости-риб кириб, одамларни ўлдириб, шарманда қилиб», — деди чи-каголик негр Оскар Харни — 5 ўғилнинг отаси.

Граждан ҳуқуқлари учун кураш-нинг актив қатнашчиси руҳоний

Жеймс Бивел ўз нутқида негрлар-нинг ўз ҳуқуқлари учун олиб бо-раётган кураши билан урушга қарши ҳаракат ўртасида ажрал-мас алоқа бор эканлигини таъ-кидлади.

Жеймс Бивел Америка ёшлари-га мурожаат қилиб, «урушда қат-нашиш учун Вьетнамга боришдан бош тортинг. Биз урушга қарши курашмоғимиз ҳаракат қилмоғи-ми керак. Урушнинг башарти ҳақ-тўхтада олмас. Бу иш кимнинг қўлидан келадиги», деди.

Америка хотин-қизлар ҳаракати-нинг машҳур арбоби Дагмар Уил-сон, АҚШ ҳукумати Вьетнамдеги урушнинг мақсадлари ва характе-

МАМЛАКАТЛАР ОДАМИЛАР ВОҚЕАЛАР

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

ГАВАНА. Бразилия студент-лари миллий маориф системаси-ни «қайтадан ташкил этиш» тўғрисида АҚШ билан тузил-ган битимга қарши кураш олиб бормоқдалар. Шу билан бирга улар ўқитиш шaroити яхшилан-сини ва ўқиш учун ҳақ тўлаш беқор қилинсин, деб талаб эт-моқдалар.

Мамлакатда Америкага қар-ши митинглар, намойиш ва за-бастовалар давом этмоқда. Ёшларга қарши полиция са-фарбар қилинди.

Фортеалеа шаҳри (Сеара штати) ўқувчи ёшлари тарфат-ган баёнота бундай дейилди: «Порто—Алегра студентла-ридан полиция ваҳишона ўч ол-ганидан кейин студентлар ора-сида галаёна яна кучайиб кет-ди». Полиция террорига қара-май, бу ҳужжатда АҚШ билан тузилган битимга қарши, мил-лий маданиятни Ҳимоя қилиш йўлидаги курашини давом этти-риш нияти борлиги тўғрисида гапирилди.

рига нисбатан Америка халқини адаштиришмоқда, деб шу ҳукуматни айблади.

Негрлар ҳаракати раҳбарлари-дан бири Стокис Кермайл Вьет-нам халқига қарши Американинг жиноятларини қоралади. У бундай жиноятлари учун нацистлар Гер-маниясининг раҳбарлари Нюрн-берг трибунали олдида жавоб бердилар, деб эслати. «Биз қо-тилар бўлишни истамизми. Вьет-намликлар бизга ҳеч қачон ёмон-лик қилганлари йўқ... Биз Вьетнам-даги урушга қаршилик қўрсатиш ҳаракатини уюштиришимиз ке-рак», — деди Кермайл.

33 ЛАР КОМИТЕТИДА

НЬО-ЙОРК. 17 май. (ТАСС). Ке-ча махсус 33 лар комитети БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сес-сиясида тақдим этилган қарор-нинг қилишган лойиҳасини маъ-қуллади.

Бу қарор лойиҳасида БМТ аъзо-лари бўлган барча давлатларга-чунчи юксак тараққий этган мам-лакатларга БМТ нинг давом этаёт-ган молиявий қийинчиликлари бартараф этиш учун ихтиёрий вазнослар тўлашга чакирқч ана тақ-дорланган. Лойиҳа 33 лар коми-тетига тинчлиқни сақлаш учун БМТ операциялари тўғрисидаги маса-ла ва, хусусан, бу операциялар-га маблағ берилишини ва уларга техник воситалар ва ҳодимлар жа-ратиб берилишини ўрганишни да-вом эттириш ва бу ҳақда БМТ Бош Ассамблеясининг XXII сессия-сига доклад қилишни тақлиф эт-ди.

Қарор қабул қилингандан сўнг

АҚШ вакили С. Фингер уни шар-қлаб, АҚШ БМТ молия қийинчи-ликлари енгилаштириш учун ихти-ёрий вазнослар тўлаш тўғрисида чиқарилган БМТ қарорлари АҚШ-га алоқадор деб ҳеч қачон ҳисоб-ламаган эди, деди.

СССР вакили Н. Т. Федоренко Америка делегациясининг тутган бу позициясини танқид қилиб сўз-лаб, Совет Иттифоқи БМТнинг их-тиёрий вазнослар тўлаш ҳақидаги қарорини АҚШ учун ҳам баббара-вар мажбурий деб ҳисоблайди, де-ди. У, БМТ молия қийинчиликла-ри енгилаштириш мақсадларида ихтиёрий вазнослар тўлаш ҳақида-ги масала юзасидан Совет Итти-фоқининг принципиал позицияси-ни ана бир бор баён қилиб бер-ди.

ШИМОЛИЙ ГРЕЦИЯДА АҲВОЛ

ПАРИЖ. 17 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбири Афинадан хабар беради: бу ер-да маъълум бўлишича, Греция-нинг ҳарбий маъмурулари Шимо-лий Грециянинг туртта шаҳари-мэралини ва муниципал масла-ҳатчиларидан кўпчилигини ўз

лавозимларидан олиб ташлади-лар.

Лавазимлардан туширилган-лар орасида Верия, Катерина, Литохорон мэрали, Киликис мэрининг ўринбосари, шунинг-дек ана шу шаҳарлар муницип-пал кенгашлари аъзоларидан 20 киши бор.

В. Лейзерович фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).



«ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ» — (ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА) — Орда Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИОННЫЕ ТЕЛЕФОНЫ: Редакция — 835885, 836232, Машинный набор — 831936, Абоненты — 834786, Партия турмуш — 836090, Училиши, фан мантаб ва олимпиада ишлари — 834048, 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Бошқаруви